

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДОЙБЕРДИЕВ ТЕМУР МАХМАРАЖАБОВИЧ**

**МИРЗАЧЎЛНИНГ ШЎРЛАНГАН ГРУНТЛАРИ ТАРКИБИ ВА  
ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА ДИФФУЗИОН  
ЮВИЛИШ ПАЙТИДА УЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ**

**04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Худойбердиев Темур Махмаражабович**

Мирзачўлнинг шўрланган грунтлари таркиби ва хусусиятларининг шаклланиши ҳамда диффузион ювилиш пайтида уларнинг ўзгариши.....3

**Худойбердиев Темур Махмаражабович**

Формирование состава и свойств засоленных грунтов Голодной степи и их изменение при диффузионном выщелачивании.....21

**Khudoyberdiyev Temur Makhmarajabovich**

Formation of the composition and properties of saline soils of the Hungry Steppe and their changes during diffusion leaching.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....43

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДОЙБЕРДИЕВ ТЕМУР МАХМАРАЖАБОВИЧ**

**МИРЗАЧЎЛНИНГ ШЎРЛАНГАН ГРУНТЛАРИ ТАРКИБИ ВА  
ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА ДИФФУЗИОН  
ЮВИЛИШ ПАЙТИДА УЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ**

**04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/GM247 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.hydroengeo.uz](http://www.hydroengeo.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Закиров Мираббас Мирсаатович</b> геология-минералогия фанлари доктори (DSc), профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ибрагимов Азиз Сабинович</b> геология-минералогия фанлари доктори (DSc), катта илмий ходим  <b>Аимбетов Иззет Қаллиевич</b> техника фанлари доктори (DSc), профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети</b>

Диссертация ҳимояси Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 21 август соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (+99871) 209-10-79, факс: (+99871) 209-10-84, e-mail: [gidro\\_ilmkeng@mail.ru](mailto:gidro_ilmkeng@mail.ru)).

Диссертация билан Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (62 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Телефон: (+99871) 209-10-79, факс: (+99871) 209-10-84, e-mail: [gidro\\_ilmkeng@mail.ru](mailto:gidro_ilmkeng@mail.ru).

Диссертация автореферати 2025 йил 4 август куни тарқатилди. (2025 йил 4 августдаги 11 - рақамли реестр баённомаси).

**А.А. Мавлонов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
геология-минералогия фанлари доктори,  
катта илмий ходим

**М.Р. Жураев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
геология-минералогия фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD),  
катта илмий ходим

**И.Х. Хабибуллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси,  
техника фанлари доктори,  
профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётида суғорилган ва янги суғориладиган ҳудудларда шўрланиш ва ювилиш жараёнларини ўрганиш муаммоси грунтларнинг таркиби ва хусусиятлари шаклланишининг шароитларидан бири сифатида қаралади. Туз тўпланиш жараёнлари орасида кальций-тупроқли ютувчи комплекснинг сульфат-натрийли эритмалар билан ўзаро таъсири натижасида грунтларда алмашинув реакциялари вужудга келиши, шунингдек, эол (чанг бўронлари ва шамоллар) жараёнлари таъсирида тузнинг грунт ва тупроқлар юзасига учуриб келиниши ҳамда уларнинг кесимида тузли, гипсли горизонтларнинг шаклланиши туфайли юзага келувчи жараёнларни алоҳида қайд этиш лозим. Бу борада грунтларнинг шўрланиши ва ювилиши муаммосини ҳал қилиш умуман мамлакатнинг, хусусан – унинг маълум минтақасининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади.

Дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказларида, айниқса дашт, ярим чўл ва чўл ҳудудлари бўлган мамлакатларда тузларнинг грунтлар муҳандислик-геологик хусусиятларига ҳамда уларнинг мелиоратив ҳолатига таъсири ўрганилмоқда. Жумладан тузларнинг грунтлар физик-механик хусусиятларига таъсири, минераллашган ер ости сувларидан капиллярлар орқали тузларнинг кириб келиши билан боғлиқ грунт шўрланишини аниқлаш, грунт муҳитида элементларнинг кўчиши ва модда алмашинуви ва унинг зоналиги билан узвий боғлиқ бўлган эриган моддалар оқими алоҳида компонентларининг сифат ва миқдорий таркибини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, шўрланган грунтларнинг таркиби ва хусусиятларини шаклланишини ҳамда диффузион ювилиш пайтида уларнинг ўзгаришини ўрганиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга имкон яратади.

Ҳозирги вақтда Мирзачўл ҳудудидан қишлоқ хўжалигида тўлиқ фойдаланиш давлат аҳамиятига молик вазифалар даражасига қўйилган. Шу муносабат билан республикамизда арид ҳудудларнинг асосий генетик ва мелиоратив хусусиятларидан бири бўлган грунтларнинг шўрланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шўрланиш дунёнинг турли мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам қурғоқчил ҳудудлар тупроқ-грунт унумдорлигини чеклайдиган асосий деградация жараёнларидан бири ҳисобланади ва уни ўрганиш бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилган. Хусусан, шўрланган грунтларни миқдорий баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган, грунтлар деградациясининг интенсив шўрланиш, сув, шамол эрозияси ва агрокимёвий моддалар билан ифлосланиш каби ҳар хил турлари аниқланган. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 30-мақсадини амалга ошириш учун “Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш”<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони

вазифаси белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, Мирзачўл суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, бино ва иншоотларни салбий жараёнлардан кенг ҳимоя қилиш учун шўрланган грунтларнинг диффузион ювилишини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 2020 йил 11 августдаги “Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш” Қарори ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII “Ер тўғрисидаги фанлар” (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Шўрланган грунтларнинг физик-механик хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлири олимлари томонидан олиб борилган. Масалан, минерализациянинг, сувли эритмалар ва алмашинув катионларининг таркиби физик-механик хоссаларга таъсири E.Agudo, F.Mees, D.Benavente, Д.Моум, И.Розенквист, Г.С.Золотарев, И.А.Сафохина, Н.Р.Затенацкая, В.Р.Петрухина, С.В.Алперович ва бошқалар томонидан ўрганилган. Ф.П.Саваренский, И.В.Попов, Ғ.О.Мавлонов, В.Т.Трофимов, В.Д.Ломтадзе, Н.Н.Ходжибаев, Э.В.Мавлянов, Ю.И.Иргашев, И.К.Аимбетов, Р.Т.Бекимбетов ва бошқаларнинг муҳандислик-геологик хариталарни тузиш методологияси масалалари ҳақидаги асосий ғояларини ривожлантириш асосида табиий вазиятни ҳамда ирригацион-мелиоратив ўзлаштириш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган хариталарни тузиш мақсадга мувофиқ эканлиги очикланди. Буларга стратиграфик-генетик комплекслар харитаси, осон эрийдиган тузларни миқдорий баҳолаш билан аэрация зонаси грунтларининг шўрланиш харитаси, грунтларнинг сувли-физик ва физик-механик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган муҳандислик-геологик хариталар киради. Ғ.О.Мавлонов, Я.С.Садыков, Э.В.Мавлянов, К.П.Пулатов, Ю.И.Иргашев, А.Д.Каюмов, И.А.Агзамова, Р.М.Худойкулов, Ю.И.Иргашев, Б.Раҳманов, И.К.Аимбетов, Р.Т.Бекимбетов ва О.Зафаровларнинг илмий тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси шароитида шўрланган грунтларда қурилиш муаммолари билан боғлиқ илмий-услубий тадқиқотларга ва сейсмик микрорайонлаштиришга бағишланган. Уларда келтирилган Ўзбекистон чўл зоналарининг шўрланган грунтларини ўрганиш натижаларининг таҳлили шўрланган грунтларнинг физик-механик параметрларига намликнинг таъсирини тасдиқлаш, шунингдек, турли геологик ва муҳандислик-геологик шароитларда минтақавий ва маҳаллий мониторингни тақсимлаш мезонларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон чўл зоналарининг шўрланган грунтларини ўрганишдаги маълум илмий ютуқларга қарамай, диффузион ювилиш таъсири остида шўрланган грунтлар физик-механик хусусиятларининг ўзгариши тўғрисида янги ғояларни олиш учун кўшимча илмий ишланмаларни талаб қиладиган бир қатор ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд. Бу, айниқса, шўр ва гипсли грунтларнинг чучук ва дистилланган сув билан ўзаро таъсири, диффузион ювилишнинг тоғ жинслари фильтрациясига ва мустаҳкамлик хусусиятларига таъсири, диффузион ювилиш пайтида Мирзачўл грунтлари ион-туз комплексининг ўзгариши масалаларига, шунингдек, шўрланган ва ювилган грунтларнинг алмашинув ҳажми ҳамда алмашинув катионларининг таркибига тааллуқли.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети “Гидрогеология, муҳандислик геологияси ва геофизика” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари, амалий лойиҳалар режасига мувофиқ “Ерости сувлари режими ўзгарувчанлигининг ўзига хос хусусиятлари ва Мирзачўлнинг замонавий гидрогеологик ва мелиоратив ҳолатини баҳолаш” (2019-2023 йй.) ва “Ўзбекгидрогеология” ДУК билан 2019 йил 17 январда тузилган №17/01-01 сонли “Мирзачўл ва 2-Мирзачўл ГГП шурфларида тажриба-фильтрация ишлари” мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Мирзачўлнинг шўрланган грунтлари таркиби ва хусусиятларининг шаклланишини ва диффузион ювилиш пайтида уларнинг ўзгаришини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

сувли қатламнинг табиий режими шароитида аэрация зонасида ўрта ва осон эрийдиган тузларнинг кўчиши ҳақидаги фикрларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

ҳар хил локал шароитлардаги грунтларда тузларнинг тўпланиши ва иккиламчи шаклланишини ҳамда сувга тўйиниш ва ювилиш жараёнида улар физик-механик хусусиятларининг ўзгаришини тавсифловчи омилларни аниқлаш;

шўрланган грунтларнинг муҳандислик-геологик хусусиятларини ҳамда асосий муҳандислик-геологик жараёнлар ва ҳодисаларнинг табиатини аниқлаш;

ювилиш жараёнида грунтлардан осон, ўрта ва қийин эрийдиган тузларнинг эриш ва олиб кетилиш динамикаси эгри чизиқларининг тақсимланиш хусусиятларини очиқ бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Мирзачўл ҳудудининг шўрланган грунтлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ювилиш оқибатида шўрланган грунтлар хоссаларининг ўзгариши ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мирзачўлнинг шўрланган грунтларини тадқиқ қилишда гидрогеологик ва муҳандислик-геологик тадқиқотларнинг анъанавий

дала ва лаборатория усуллари, тадқиқот натижаларини назарий умумлаштириш ва тизимли таҳлил қилиш усуллари, лаборатория шароитида шўрланган грунтлар ювилиш жараёнини аниқлашнинг замонавий таҳлил усуллари, жумладан грунтларнинг моддий таркибини, структуравий боғларининг табиати ва мустаҳкамлигини, структурасини, текстурасини, физикавий ҳолатини, диффузион ювилишдан кейинги деформацион хусусиятларини комплекс ўрганиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Мирзачўл ҳудудида шўрланиш жараёнининг ривожланишига таъсир қилувчи асосий геологик ва техноген омиллар ҳамда туз ҳосил бўлиш ва миграцияси манбалари аниқланган;

шўрланган грунтлардан тузларнинг фаол ювилиши, Мирзачўлнинг дреналанмаган сув айирғич ҳудудларидан фарқли ўлароқ, пастқам участкаларда ва қадимги оқим ўйиқларида кенг ривожланганлиги аниқланган;

грунт ғоваклигидаги эритмадан тузларнинг максимал ювилиши (хлорид тузларининг эриши) дастлабки кунларда кузатилиши, иккинчи максимум (сульфат тузларининг эриши) 15-20-кунларда намоён бўлиши ва жараённинг барқарорлашуви супеслар учун 28-34-кунларда, суглиноклар учун 32-40-кунларда юзага келиши аниқланган;

грунтларнинг иккиламчи шўрланиши ҳисобига ҳосил бўлган 0.75–1 м, баъзи жойларда 1.5 м гача чуқурликларда жойлашган зич шўрланган зона (қийин эрийдиган: аморф кремнезём –  $\text{SiO}_2$ , гипс –  $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ , кальцит –  $\text{CaCO}_3$ , магний ва кальцийнинг қўш карбонат ангидрит тузи –  $\text{CaCO}_3 \cdot \text{MgCO}_3$ ; осон эрийдиган:  $\text{NaCl}$ ,  $\text{NaSO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{MgCl}_2$ ,  $\text{CaCl}_2$ ) мавжудлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Мирзачўлнинг шўрланган грунтлари осон, ўрта ва қийин эрийдиган тузларга бирлашиши, уларнинг сифат ва миқдорий тавсифлари эса грунтлар муҳандислик-геологик хусусиятларининг ишончлилигини ва асосий муҳандислик-геологик жараёнлар ва ҳодисаларнинг табиатини белгилаши аниқланган;

Мирзачўл грунтларининг ғоваклик эритмасидан тузларнинг энг кўп ювилиши, яъни биринчи нисбий максимум, дастлабки кунларда, асосан хлорид тузларнинг, иккинчи нисбий максимум 15-20 кундан кейин, ўртача эрувчан тузларнинг эриши сабабли кузатилиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги 150 та қудуқ ва 60 та тоғ қовламаларидан олинган катта ҳажмдаги фактик материаллар, грунтларнинг физик-механик хусусиятларини аниқлаш бўйича 250 та лаборатория тажрибалари, сув намуналарининг 80 та лаборатория таҳлилари, шунингдек Мирзачўл ҳудудида ер ости сувлари сатҳини ўрганишнинг кўп йиллик мониторинг тадқиқотлари натижаларидан фойдаланилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шўрланган грунтларнинг ювилишини ўрганиш ҳамда туз ҳосил бўлиши ва миграциясининг асосий манбаларини аниқлаш методикасидан иборат бўлиб, Мирзачўл грунтларида осон, ўрта ва

кийин эрийдиган тузларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичли участкаларини асосли ажратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Мирзачўл ҳудудида гидрогеологик ва муҳандислик-геологик тадқиқотларнинг мониторинг пунктларини танлаш аниқлигини таъминлаш, шўрланган грунтлар таркиби ва хусусиятларининг шаклланишини ўрганиш, грунтларда туз миграциясини аниқлаш бўйича лаборатория тадқиқотларини самарали режалаштиришдан иборат бўлиб, Мирзачўлнинг ўзлаштирилган ва қайта ўзлаштирилаётган ҳудудлари мелиоратив ҳолатини баҳолаш учун муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мирзачўл ҳудудида шўрланган грунтларни ва диффузион ювилиш пайтида уларнинг ўзгаришини илмий-услубий ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тузларнинг ювилиш жараёни ривожланишига таъсир этувчи аниқланган комплекс омиллар “Ўзбекгидрогеология” давлат муассасаси илмий-амалий фаолиятига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2025 йил 27 январдаги 08-0401-сонли маълумотномаси). Натижада, туз ҳосил бўлиши ва миграциясининг асосий манбаларини аниқлаш учун самарали мониторинг тадқиқотларини ўтказиш имконини берган;

шўрланган грунтларнинг ювилишини ўрганиш методикаси ҳамда туз ҳосил бўлиши ва миграциясининг асосий манбалари “Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-тадқиқот институти – O‘ZGASHKLITI” Қорақалпоқ филиали илмий фаолиятига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2024 йил 6 декабрдаги 03-07/01-3773-сонли маълумотномаси). Натижада, Мирзачўл ҳудудида осон, ўрта ва кийин эрийдиган тузларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари билан тавсифланган грунтларнинг тарқалиш майдонларини асосли ажратиш имконини берган;

Мирзачўлнинг ўзлаштирилган ва қайта ўзлаштирилаётган ҳудудларида 0,75–1,5 м чуқурликда аниқланган зич иккиламчи шўрланган грунт горизонти “Ўзбекгидрогеология” давлат муассасаси ишлаб чиқариш амалиётига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2025 йил 27 январдаги 08-0401-сонли маълумотномаси). Натижада, шўрланган грунтларда олиб бориладиган мониторинг тадқиқотларини такомиллаштиришга ёрдам берган;

Мирзачўлнинг шўрланган грунтлари таркиби ва хусусиятлари шаклланишининг комплекс таҳлиллар натижалари “Ўзбекгидрогеология” давлат муассасаси илмий фаолиятига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2025 йил 27 январдаги 08-0401-сонли маълумотномаси). Натижада, ўзлаштирилган ва қайта ўзлаштирилаётган ҳудудларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш учун гидрогеологик ва муҳандислик-геологик тадқиқотларни самарали режалаштириш имконини берган;

заиф ўтказувчан грунтларнинг ғоваклик эритмасида аниқланган ионларнинг юқори концентрацияли зонадан паст концентрацияли зонага кўчиши “Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик

кадастри лойиҳа илмий-тадқиқот институти – О‘ZGASHKLITI’ Қорақалпоқ филиали амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2024 йил 6 декабрдаги 03-07/01-3773-сонли маълумотномаси). Натижада, шўрланган грунтларда туз миграциясини аниқлаш бўйича лаборатория тадқиқотларини самарали режалаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси:** Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 3 та республика илмий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий ишлар чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Илмий тадқиқотлар йўналиши ва таркибини белгилайдиган табиий ва иқтисодий шароитларнинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида геология, геоморфология, гидрогеология, муҳандислик геологияси ва тўртламчи давр ётқизиклари литологик таркибининг таҳлили бўйича маълумотлар келтирилган.

Агромелиорация, сув ҳўжалиги ва гидротехник чора-тадбирлар комплекси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қимматли материаллар олинган. О.К. Ланге, В.П. Саваренский, Г.Н. Каменский, Ғ.О. Мавлонов, Н.Н. Ходжибаев, Э.В. Мавлянов, И.К. Зайцев ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари таҳлил қилиниб, унга кўра Мирзачўл чўллар, ярим чўллар ва қурғоқчил тасмаларнинг арид зонасига киритилган.

Мирзачўл гидрогеологик ва муҳандислик-геологик шароитларнинг шаклланиш шартларининг табиий зоналиги ҳақидаги фикрлар ёрдамида тасвирланган бўлиб, бу ерда физик нураш, эол-дефляция ва аккумулятив жараёнлар, шўрланиш, тақир ҳосил бўлиш ва шўрхоқлар, вақтинчалик оқимлар, чўкиш ва грунт сувлари минерализациясининг ортиши устунлик қилади. Умуман олганда, Ўзбекистонда илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва

амалга оширишда энг асосий ўринни Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги қошидаги “Ўзбекгидрогеология” ДМ ва “ГИДРОИНГЕО институти” ДМ эгаллайди. Бу муассасаларнинг Мирзачўл ҳудудига тааллуқли илмий-тадқиқот ишлари иккита асосий йўналишни акс эттиради – гидрогеологик-мелиоратив ва лёссларни, лёссимон суглинок ва супесларни ўрганиш.

Илгари ўтказилган тадқиқотлар таҳлилининг кўрсатишича, арид зона шароитида кичик ва ўрта масштабли хариталашнинг назарий ва услубий асослари ишлаб чиқилган, Мирзачўлнинг арид зонасида ирригацион-мелиоратив ва бошқа қурилиш турлари инсоннинг табиий муҳитга таъсирининг интенсив шаклларида бири эканлиги аниқланган. Улар табиатга салбий таъсир этиб, иккиламчи шўрланиш ва Мирзачўл ландшафтларининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган турли босқичлардаги жарликлар ҳосил бўлиши кўринишида намоён бўлади. Бу шўрланган грунтларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, уларнинг ер усти ва ер ости сувлари билан ўзаро таъсири грунтнинг мустаҳкамлик хусусиятларини пасайтиради. Шу жиҳатдан шўрланган грунтлар муаммосини ҳал қилиш грунтлардан тузларнинг ювилишини ўрганиш учун муҳим омил сифатида қаралади.


Диссертациянинг **“Мирзачўлнинг қисқача геологик-гидрогеологик ва муҳандислик-геологик тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида Мирзачўл шўрланган грунтлари таркиби ва хусусиятларининг шаклланишига ва ювилишига ҳисса қўшадиган табиий-иқлимий, гидрогеологик ва техноген омиллар таҳлил қилинди. Иқлим шароитига кўра, Мирзачўл ҳудуди чўл-дашт зонасига тегишли. Атмосфера ёғинлари миқдори унчалик кўп эмас, асосан баҳор-қиш мавсумида ёғади. Ўрганилган ҳудудда рельефнинг асосий турлари ҳисобланадиган паст тепаликлар ва текисликлар ажралиб туради.

Тўртламчи даврда ўрганилаётган ҳудудда тоғ олди текисликларининг кўтарилиши, Сангзор, Зомин ва бошқа дарёлар чиқиш конусларининг, шунингдек, мирзачўл комплекси ётқизикларидан ташкил топган учинчи қайир усти террасасининг шаклланиши содир бўлди. Мирзачўлнинг марказий қисмида ушбу комплекс ётқизикларининг қалинлиги 260-400 м бўлиб, Туркистон тизмасида 10 м гача камайиб кетади.

Сирдарё дарёсининг иккинчи ва биринчи қайир усти террасалари чегарасида ҳозирги замон сирдарё комплекси қатламланган аллювиал майда заррали-қумтошли-галечникли ётқизиклар билан ифодаланади. Бу комплекс қалинлиги 1-3 м, камдан-кам ҳолларда ундан ҳам қалин бўлган сарғиш-кулранг супеслар ёки суглиноклардан иборат. Унинг остида супесь, гравий ва галечник қатламчалари бўлган кулранг-сарик майин донали қумлар очилган (1-расм).

Ушбу грунтларнинг деградациясига таҳдид табиий омиллар, грунтларнинг механик таркиби ва қияликларнинг тиклиги сабабли юзага келади. Ўрта ва енгил суглиноклар – ўртача, супеслар – кучли ва қумлар – жуда кучли чўлланиш хавфини келтириб чиқаради. Қумли ётқизикларда тупроқ ва ўсимликларнинг деградацияси кўчма эол қум массивларининг ҳосил бўлиши олиб келади. Мустаҳкамланган қумлар майдонининг кучсиз

мустаҳкамланган ва ҳаракатчан қумлар майдонига нисбати чўлланишнинг муҳим мезони ҳисобланади.



**1-расм. Мирзачўлнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳудудини ўз ичига олган схематик геологик-литологик харитаси.** (Т.М.Худойбердиев, Г.Д.Гулямов ва Д.Қ.Бегимкуловлар томонидан “Ўзбекгидрогеология” ДМ фонд материаллари ва шахсий тадқиқотлар асосида тузилган, 2022 й., масштаб 1: 200000): 1 – ҳозирги замон тўртламчи давр Сирдарё комплекси I–II қайир усти террасаларининг қум, шагал, супесь ва суглиноклар билан ифодаланган ётқизиқлари; 2 – юқори тўртламчи давр Мирзачўл комплекси III қайир усти террасасининг шагал, қум, супесь ва суглиноклар билан ифодаланган ётқизиқлари; 3 – ўрта тўртламчи давр Тошкент комплекси гравий, шагал, қумтош ва алевролитлар билан ифодаланган ётқизиқлари; 4 – палеозой ётқизиқлари; 5 – дарё; 6 – каналлар, 7 – бурғи қудуқлари.

Қуйида чўлланиш ва табиий ландшафтларнинг экологик беқарорлашуви билан боғлиқ жараёнларни кўриб чиқамиз:

1. *Ўсимликлар қопламнинг деградацияси.* Ландшафтлар ҳозирги ҳолатининг асосий биологик кўрсаткичи ўсимлик қопламидир: проекцион қамров даражаси, турларнинг таркиби, ҳаёт шакллари, бирламчи маҳсулотлар ва бошқалар. Ушбу кўрсаткичларнинг миқдор ва сифатнинг пасайишига қараб ўзгариши ўсимлик қопламнинг деградацияси ошганлигини кўрсатади, натижада ландшафт чўлланиши содир бўлади. Янги ерларнинг кенг ўзлаштирилиши рельеф ва тупроқ-ўсимлик қопламига техноген таъсирлар билан бирга кечади, бу эса Мирзачўл ландшафтининг экологик беқарорлашувини кучайтиради.

2. *Шамол эрозияси.* Шамол тоғ жинсларини майдалайди, ўсимликлардан маҳрум бўлган қумли қатламларни ривожлантиради. Бўшоқ нураган материал кенг майдонлар узра ташилади ва тўпланиб ётқизилади. Тупроқ юзасидан майин тупроқ доналари ва туз кристалларини учириб, шамол (эол) ёрдамида ташилиши узоқларда жойлашган гумид ландшафтлар тупроқларининг шўрланишига сабаб бўлади, шу билан бўшаб қолган ерлар майдонини кенгайтиради.

3. *Унумдор қатламнинг ювилиши ва учириб кетилиши*. Шўрланиш ер ости сувларининг чуқурлиги ва минерализациясига боғлиқ. Грунтларнинг деградацияси хавфи грунтларнинг механик таркиби, ёнбағирларнинг тиклиги ва ер ости сувларининг ётиш чуқурлиги каби табиий омиллар сабаб юзага келади. Қумли ётқизикларда тупроқ ва ўсимликларнинг деградацияси кўчма эол қум массивларининг ҳосил бўлишига олиб келади.

Мирзачўл суғориладиган ерларининг мелиоратив таъминоти одатда барқарор эмас, чунки бу ерларда грунт сувлари ўртача (3–10 г/л), баъзи жойларда кучли (10–25 г/л) минераллашганлигича қолмоқда. Олдимизда грунт сувларини ҳам, грунтларни ҳам тузсизлантириш бўйича бажарилиши керак бўлган кўплаб шўр ювиш ва мелиоратив ишлар кутиб турибди. Бу ерда сув-туз, ҳаво, иссиқлик ва озуқа режимларини оптималлаштиришни белгилаб берадиган қулай ярим гидроморф мелиоратив суғориш режими яратилган тақдирдагина суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш мумкин.

Диссертациянинг **“Мирзачўлнинг шўрланган грунтларини ўрганиш объекти ва методикаси”** деб номланган учинчи бобида тадқиқот объекти, яъни Мирзачўл ҳудудидаги шўрланган грунтлари ва тупроқлари баёни келтирилган. Ушбу грунтлар регионал тарқалишга эга ва “Дўстлик”, “Дўстликнинг ўнг тармоғи”, “Марказий Мирзачўл”, “Жанубий Мирзачўл”, “Марказий тармоқ”, “Жиззах”, “Жетисай” магистрал суғориш каналлари ва бошқа горизонтал оқова дренаж тизимларининг туби ва ён бағирларини ташкил қилади. Улар маҳаллий қурилиш материали сифатида ишлатилади, иншоотларнинг асоси бўлиб хизмат қилади, шунингдек, Мирзачўлнинг суғорилган ва янги суғориладиган ҳудудларини ташкил этувчи асосий тупроқ-грунтлар ҳисобланади.

Мирзачўлнинг шўрланган грунтларини тадқиқ қилиш уларнинг моддий таркиби, структуравий боғланишларининг табиати ва мустаҳкамлиги, текстураси ва структураси, физик ҳолати, табиий ҳолатдаги, кўшимча намланиш ҳамда диффузион ювилишдан кейинги мустаҳкамлик ва деформацион хусусиятларини комплекс ўрганишни ўз ичига олди. Диффузион ювилиш тажриба давомида тоғ жинсининг физик ҳолатидаги ўзгаришларни назорат қилиш ва ювилишдан кейин уларнинг мустаҳкамлик хусусиятлари ҳақида маълумот олиш имконини берувчи диффузион қурилма ёрдамида амалга оширилди.

Шундай қилиб, шўрланган грунтларни намлаш ва ювиш пайтида улар хусусиятларининг ўзгариши прогнозини ҳисобга олган ҳолда комплекс ўрганиш келгусида муҳандислик-геологик мақсадларда уларнинг шўрланиш даражаси ва табиати бўйича таснифлашга имкон беради.


**“Мирзачўл грунтларининг ион-туз комплекси ва ювилиш пайтида унинг ўзгариши”** деб номланган тўртинчи бобда бўлғуси чўкинди тоғ жинсларининг таркибини кўп жихатдан белгилаб берадиган энг муҳим омиллар, яъни қаттиқ тоғ жинсларининг майдаланиши, кимёвий ва биокимёвий чўкиндиларнинг ҳосил бўлиши кўриб чиқилган. Уларнинг майдаланган маҳсулотларнинг ётқизилиш усулига ва жойига ҳамда кейинги

диагенез, гипергенез ва дегидратация жараёнларининг йўналишига таъсири очиб берилган.

Гранулометрик таркиб грунтларнинг структуравий тавсифларини (заррачаларнинг ўзаро жойлашиши, шакли ва ўлчами; ғовакларнинг мавжудлиги, уларнинг ўлчами ва характери) аниқлаштириш ва уларни заррача ўлчамлари бўйича фракцияларга бўлиш орқали минералогик ва кимёвий таҳлилларга тайёрлаш имконини беради.

Мирзачўл грунтлари гранулометрик таркибининг якуний қиймати (2-расм) шуни кўрсатдики, аэрация зонасининг литологик кесимида гранулометрик таркиб деярли бир жинсли ҳисобланади. Делювиал ва пролювиал лёссимон суглинок ва супесларда (жамланган ўртача қийматлар) кум фракциясининг миқдори 15 дан 29% гача, чанг фракцияси – 40 дан 70% гача ва гил фракцияси – 9 дан 25% гача ўзгариб туради. Агар ўрганилаётган ҳудудни суғорилмайдиган ва суғориладиган қисмларга бўлиб ўргансак, унда ҳам гранулометрик таркибнинг бир жинслилиги кузатилмайди ва грунтлар супеслар ва суглиноклар каби тавсифланади.

Мана шу нуқтаи назардан, чўкинди тоғ жинсларининг учта асосий гуруҳини ажратиш мақсадга мувофиқдир: 1) чақик, шу жумладан кумли ётқизиклар (механик чўкиндилар); 2) гил ётқизиклари (кўп ҳолларда коллоид-кимёвий чўкиндилар); 3) кимёвий, шу жумладан биокимёвий ётқизиклар (ҳақиқий эритмаларнинг чўкиндилари).




**2-расм. Мирзачўл грунтлари фракцияларининг гранулометрик таркиби**  
(Т.М. Худойбердиев, 2022 й.)

Ушбу грунтлар учун қаттиқ қолдиқнинг миқдорий кўрсаткичлари кучсиз шўрланган (0,35–0,485%) дан кучли шўрланган (2,02–2,65%) гача ўзгаради. Шўрланган грунтлардаги сувда эрийдиган тузларнинг таркиби атиги учта катион – натрий ( $\text{Na}^+$ ), магний ( $\text{Mg}^{2+}$ ) ва кальций ( $\text{Ca}^{2+}$ ) катионлари ва учта анион – хлор ( $\text{Cl}^-$ ), сульфат ( $\text{SO}_4^{2-}$ ) ва гидрокарбонат ( $\text{HCO}_3^-$ ) анионлари комбинациясидан иборат. Бундан кўринадики, уларнинг асосида  $\text{NaCl}$ ,  $\text{Na}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{NaHCO}_3$ ,  $\text{MgCl}_2$ ,  $\text{MgSO}_4$ ,  $\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$ ,  $\text{CaCl}_2$ ,  $\text{CaSO}_4$  ва  $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$  каби

тузларни ҳосил қилиш мумкин. Тупроқ-грунтлардаги тузларнинг таркиби асосан ер ости сувларининг минерализацияси билан боғлиқ. Бу жараённинг механизми жуда мураккаб. Одатда, тупроқ-грунтдаги ва шўрланган грунт сувларидаги тузларнинг таркиби бир хил эмас. Сувга тўйинган грунтларда грунт сувлари таркиби турли хил кимёвий, физик-кимёвий ва биологик реакциялар таъсирида сезиларли ўзгаришларга учрайди.

Бунга мисол қилиб, ер ости сувлари таркибида кенг тарқалган натрий сульфат грунтга тушганда содир бўладиган баъзи ўзгаришларни келтириш мумкин. Капиллярлар орқали кўчаётган натрий сульфат, таркибида алмашинувчи кальций бўлган грунтнинг ютувчи моддаси билан физик-кимёвий реакцияга киришиши мумкин. Бунда, натрий катиони грунтга сўрилиб, у ердан кальцийни сиқиб чиқаради ва гипс чўкмасини ҳосил қилади. Бу эса ўз навбатида грунт қатламининг маълум бир чуқурлигида гипсли горизонтнинг шаклланишига олиб келади (3-расм).



**3-расм. Турли даврлар учун чуқурлик бўйича гипс ўзгаришининг қиёсий диаграммаси** (Т.М. Худойбердиев, Д.Қ. Бегимкулов, 2022 й.): 1 – 1960 йилдан 1970 йилгача бўлган материаллар натижалари; 2 – 2019-2023 йиллардаги шахсий тадқиқотлар натижалари.

Юқори минерализацияли грунт сувлари критик сатҳининг ортиши тупроқ-грунтнинг мелиоратив шароитини кескин ёмонлаштиради. Капилляр кўтарилишнинг даврийлиги, яъни қайта-қайта кўтарилишлар чўлланиш ва иккиламчи шўрланиш жараёнларига олиб келади. Меъёрий хужжатларга мувофиқ, таркибида мавжуд осон ва ўртача эрувчан тузлар йиғинди миқдори умумий миқдорнинг камида 1% ини (ёки 0,3%, агар фақат осон эрийдиган тузлар мавжуд бўлса) ташкил этган грунтлар шўрланган тоғ жинсларига киритилади.

Ҳосил бўлиш шароитлари ва генезисига кўра шўрланган тупроқлар бирламчи табиий шўрланган ва иккиламчи антропоген шўрланган турларга бўлинади (4 ва 5-расмлар).



**4.-расм. Худуднинг бирламчи шўрланиши (Гагарин 2022 й.)**




**5 -расм. Суғориш канали бўйида иккиламчи шўрланиш (Мирзачўл канали 2022 й.)**

Тупроқнинг бирламчи шўрланишининг ривожланишини белгиловчи *табiiй омилларга* қуйидагилар киради: иқлим, рельеф, худуднинг дренажланганлиги, тупроқ ҳосил қилувчи ва унинг остидаги тоғ жинсларининг шўрланиши ва минераллашган ер ости сувларининг мавжудлиги. Иқлим шўрланиш жараёнининг ривожланишини белгиловчи омил сифатида буғланишнинг ёғингарчиликдан устунлиги билан тавсифланади. Бундай шароитда намлик ва тузни ўтказиш жараёни фаоллашади ва туз тўпланиш жараёнига олиб келадиган буғлантирувчи геохимёвий тўсиқ ҳосил бўлади. Худуднинг заиф дренажланганлиги латерал ландшафт-геохимёвий оқимларнинг секинлашишига, грунт сувлари сатҳининг кўтарилишига ва арид, ярим арид ва ҳатто ярим гумид зоналарда шўрланиш жараёнларининг фаоллашишига ёрдам беради. Фаол намлик алмашинуви зонасидаги тоғ жинслари таркибида осон эрийдиган тузларнинг мавжудлиги шўрланган тупроқларнинг шаклланишига ёрдам беради. Ташқаридан минераллашган сувлар, атмосфера ёғинлари ва эол чанглари ёрдамида тузларнинг олиб келиниши оқибатида тупроқларда туз тўпланиш жараёнлари намоён бўлади.

Тупроқларнинг *иккиламчи (антропоген) шўрланиши* табиий тупроқли – галогеохимёвий шароитларнинг антропоген ўзгаришлари натижасида юзага келади. Иккиламчи шўрланишнинг ривожланишига намликнинг капилляр кўтарилиши, суғориладиган ва сув босган ерларда грунт сувларининг кўтарилиши, тўшама тоғ жинслари туз захираларининг жалб қилиниши, юқори минерализацияли суғориш сувлари билан тузларнинг олиб келиниши ва тупроқларда туз тўпланишига олиб келадиган қатор бошқа омиллар сабаб бўлади. Иккиламчи шўрланиш ерларнинг экологик ҳолатини белгилайдиган асосий деградация жараёнларидан бири ҳисобланади. Иккиламчи шўрланиш табиий шўрланиш ривожланадиган зоналарда энг фаол намоён бўлади (4 ва 5-расмлар). Масалан, Мирзачўл худудида яйловлар ва суғориладиган ерларнинг шўрланиш жараёни фаол давом этмоқда.

Ўрганилаётган худуднинг ҳамма жойида иккиламчи ҳосил бўлган тузларнинг (аморф силикат –  $\text{SiO}_2$ , гипс –  $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  ва б.) текстураси,

структураси, тузилиши ва таркибига қараб 0,75 – 1,0 метрдан 1,5 метргача чуқурликда зич шўрланган зона аниқланди (6-расм). Зонанинг шаклланиши намликнинг капилляр кўтарилиши, суғориладиган ва сув босган ҳудудларда юқори минерализацияли грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши, тўшама тоғ жинслари туз захираларининг жалб қилиниши, суғориш сувлари билан тузларнинг олиб келиниши ва грунтларда тузларнинг миграциясига олиб келадиган қатор бошқа омиллар билан боғлиқ бўлади. У ерларнинг экологик ҳолатини белгилайдиган асосий деградация жараёнларидан бири ҳисобланади. Интенсив суғориш зоналарида иккиламчи шўрланиш янада фаолроқ намоён бўлади.



**6-расм.  $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Cl}^-$  ва  $\text{HCO}_3^-$  параметрларининг чуқурлик бўйича ўзгариши** (Т.М.Худойбердиев, Д.Қ. Бегимқулов, 2022 й.): 1 – чуқурлик бўйича  $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  кўрсаткичларининг ўртача қийматлари; 2 – чуқурлик бўйича  $\text{Cl}^-$  кўрсаткичларининг ўртача қийматлари; 3 – чуқурлик бўйича  $\text{HCO}_3^-$  кўрсаткичларининг ўртача қийматлари; 4 – эҳтимолий хато кўрсаткичлар; 5 – иккиламчи шўрланиш ҳосил бўлган зич тузли зона.

Грунтлардан олинган монолитлардан ғоваклик сувларини сиқиб чиқариш 25 МПа гача, баъзан – 90 МПа гача босим остида пресс-шаклларда сиқиш усули ёрдамида амалга оширилди. Сиқиш давомийлиги 7-10 кундан 30 кунгача давом этди, ғоваклик сувларини сиқиш вақтининг ортишига грунтда гипс мавжудлиги сабабли қўлланиладиган нисбатан паст (25 МПа) ишчи босим сабаб бўлди.


Диффузион қурилмада қуйилиш усули билан шўрланган грунтларнинг узок вақт ювилиши ғоваклик сувлари минерализациясининг 0,5–2,5 г/л гача кескин пасайишига ва шунга мос равишда хлор ионининг ювилишдан олдинги 360-444 ммол/л дан 0,6–0,9 ммол/л гача камайишига олиб келади. Кучсиз

гипсланган грунт қатламларида ҳам сульфат ионлари таркибининг ювилишдан олдинги 374 ммол/л дан 0,7–1,8 ммол/л гача кескин пасайишига олиб келади.

Кучли ювилган грунтларнинг ғоваклик сувлари гидрокарбонат-кальцийли ва гидрокарбонат-натрийли таркибга эга. Натижада грунтларнинг нафақат тўлиқ тузсизланиши, балки сода типигади ғоваклик сувларининг ҳосил бўлиши билан уни тузсизлантириш ҳам содир бўлади. Бироқ, кўпчилик ювилган намуналар учун ғоваклик сувларининг таркиби сульфат-магнийли-натрийли бўлиб қолаверади,  $\frac{r_{Na}}{r_{Cl}}$  нисбати 1,5 дан 40,7 гача,  $\frac{r_{SO_4}}{r_{Cl}}$  нисбати эса 1,6 дан 77 гача ўзгаради. Ушбу коэффицентларнинг юқори қийматлари ювилиш жараёнида ғоваклик сувлари жуда чуқур метоморфизацияга учраган намуналар учун хос бўлиб, асосан хлор ( $Cl^-$ ) ионининг олиб чиқиб кетилиши ва Мирзачўл грунтлари таркибида кўп миқдорда учрайдиган гипснинг эритилиши натижасида сульфат ( $SO_4^{2-}$ ) ионининг, шунингдек сўрилган комплексдан алмашинувчи натрий ( $Na^+$ ) ионининг қўшилишидан ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, ювилган грунт қатламлари ғоваклик сувларининг минерализацияси ва таркиби ювилиш жараёнининг давомийлигига, уларнинг моддий таркибига, грунтларда гипснинг мавжудлигига ва ғоваклик эритмаси ионлари диффузион ҳаракатчанлигининг ҳар-хил тезлигига боғлиқ. Бу тезлик турли ионлар учун ҳар хил – одатда энг максимал хлор ( $Cl^-$ ) ионига тегишли бўлиб, грунтнинг физик ҳолати – зичлиги, намлиги ва бошқа хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Грунтларни умумий тузсизлантириш жараёни бир неча босқичларда давом этади, дастлаб осон эрийдиган тузлар эрийди, сўнгра ўрта ва қийин эрийдиган тузларнинг эриши эвазига аста-секин чучуклашиш содир бўлади (7-расм). Ювилишнинг биринчи босқичида ғоваклик эритмалари таркибида натрий ва магний хлоридлари ва сульфатлари кўпроқ бўлади, чунки бу тузлар Мирзачўл грунтларида жуда кўп учрайди. Ювилишнинг бошланишида уларнинг баъзилари тезда ювилиб кетди (хлоридлар), маълум қисми тоғ жинсининг – грунтнинг ўзида қолди (сульфатлар), мана шу сақланиб қолганлари туз тўпланиш жараёнининг интенсивлик кўрсаткичи ҳисобланади.



**7-расм. Тузларнинг ювилиш графиклари (Т.М.Худойбердиев, Д.Қ.Бегимқулов, 2022 й.): 0,5 м чуқурликкача бўлган юзаки горизонт (а), 0,75–1,5 м чуқурлик интервалидаги ўрта горизонт (б), 2,0 м ва ундан чуқур горизонт (в): 1 – қийин эрийдиган тузлар; 2 – ўртача эрийдиган тузлар; 3 – осон эрийдиган тузлар; 4 – сув миқдори.**

Ювилиш жараёнини вақт бўйича таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ғоваклик эритмасида энг юқори туз миқдори дастлабки кунларда, асосан хлоридлар ҳисобига кузатилади, кейин яна хлоридлар ҳисобига туз миқдори ортиб боради, сўнгра ўсиш камаяди, эгри чизиқлар текисланади. Иккинчи нисбий максимум 15–20-кунларда, ўртача эрувчан тузларнинг эриши ҳисобига юзага келади. Мирзачўл грунтларининг ювилиш стабилизацияси суглиноклар учун 32–40-кунларда ва супеслар учун 28–34-кунларда содир бўлади (7-расмга қаранг). Бу эса тузларнинг ювилиши секин кечишини кўрсатади.

## ХУЛОСА

Диссертация мавзуси бўйича қуйидаги асосий натижалар олинган:

1. Арид зонадаги кўп босқичли комплекс ирригацион-мелиоратив ва инсон фаолиятининг бошқа турлари Мирзачўлнинг табиий муҳитига техноген таъсир кўрсатади. Барча ўрганилган табиий омиллар Мирзачўл грунтларининг бирламчи шўрланиш географиясини белгилайди. Улар асосан чўл, ярим чўл ва дашт зоналарида ривожланган. Шўрланишнинг юзага келиши тузли тоғ жинсларининг ер юзасига чиқиши ёки ташқаридан осон эрийдиган тузларнинг кириб келиши билан боғлиқ.

2. Шўрланган грунтларнинг фаол ювилиши, Мирзачўлнинг дреналанмаган сув айирғич ҳудудларидан фарқли ўлароқ, пастқам участкаларида, қадимги оқим ўйиқларида ва магистрал суғориш каналларининг оқим йўналишида кенг ривожланган. Ғоваклик эритмасидаги тузларнинг энг кўп ювилиши дастлабки кунларда, асосан хлоридлар ҳисобига кузатилади, иккинчи нисбий максимум ўртача эрувчан тузларнинг эриши ҳисобига 15–20-кунларда намоён бўлади, Мирзачўл грунтларидан тузлар ювилишининг барқарорлашуви супеслар учун 28–34-кунда, суглиноклар учун 32–40-кунда юзага келади.

3. Мирзачўл ҳудудида, иқлимнинг аридлиги ва минерализациялашган грунт сувларининг даврий капилляр кўтарилишлари билан боғлиқ бўлган, қийин эрийдиган: аморф кремнезём –  $\text{SiO}_2$ , гипс –  $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ , кальцит –  $\text{CaCO}_3$ , магний ва кальцийнинг қўшкарбонат тузи –  $\text{CaCO}_3$ ,  $\text{MgCO}_3$ ; осон эрийдиган:  $\text{NaCl}$ ,  $\text{NaSO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{MgCl}_2$ ,  $\text{CaCl}_2$  каби иккиламчи ҳосил бўлган тузлар ҳисобига шаклланган, 0,75–1 м, баъзи жойларда 1,5 м гача чуқурликларда жойлашган зич шўрланган зона аниқланди.

4. 0,75–1,5 м чуқурликда жойлашган, ғоваклик сувлари 51 г/л гача бўлган нисбатан юқори минерализацияли пролювиал шўрланган супесь ва суглинокларда алмашинув ҳажми 23–24 ммол/100 г ни ташкил этади. Бу <0,001 мм ли фракцияларнинг агрегацияланганлиги билан боғлиқ. Мирзачўл шўрланган грунтларининг алмашинув катионлари таркибида алмашинадиган натрий миқдори ортади ва катионлар  $\text{Na}^+ > \text{Mg}^{2+} > \text{Ca}^{2+} > \text{K}^+$  тартибида жойлашади. 2–3 м чуқурликда Мирзачўл грунтлари ғоваклик сувларининг минерализацияси 12 г/л гача етади ва алмашинув катионлари таркибида алмашинадиган кальций миқдори ортади. Нураган юқори горизонтларга солиштирганда чуқур горизонтлар қатламларида унинг миқдори 3 баравар

паст. Бу унинг иккиламчи нураш минераллари: ярозит –  $KFe_3(SO_4)_2(OH)_6$ , гипс –  $CaSO_4 \cdot 2H_2O$  ва галит –  $NaCl$  да кўчиши билан боғлиқ.

5. Шўрланган грунтларнинг таркиб ва хусусиятларининг шаклланиши ҳамда диффузион ювилиш пайтида уларнинг ўзгариши мониторинг тадқиқот пунктларини танлаш аниқлигини таъминлаган ҳолда Мирзачўлнинг ўзлаштирилган ва қайта ўзлаштирилаётган ҳудудларининг геоэкологик ва мелиоратив ҳолатини баҳолаш учун ўтказиладиган муҳандислик-геоэкологик тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 24/30.12.2019. GM.96.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ГИДРОГЕОЛОГИИ И  
ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ХУДОЙБЕРДИЕВ ТЕМУР МАХМАРАЖАБОВИЧ**

**ФОРМИРОВАНИЕ СОСТАВА И СВОЙСТВ ЗАСОЛЕННЫХ ГРУНТОВ  
ГОЛОДНОЙ СТЕПИ И ИХ ИЗМЕНЕНИЕ ПРИ ДИФФУЗИОННОМ  
ВЫЩЕЛАЧИВАНИИ**

**04.00.04 – Гидрогеология и инженерная геология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2025**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при министерстве Высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2024.4.PhD/GM247**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ([www.hydroengeo.uz](http://www.hydroengeo.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Закиров Мираббас Мирсаатович**  
доктор геолого-минералогических наук (DSc), профессор

**Официальные оппоненты:** **Ибрагимов Азиз Сабинович**  
доктор геолого-минералогических наук (DSc), старший научный сотрудник

**Аимбетов Иззет Каллиевич**  
доктор технических наук (DSc), профессор

**Ведущая организация:** **Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека**

Защита диссертации состоится 21 августа 2025 г. в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc. 24/30.12.2019. GM.96.01 по присуждению ученых степеней при Институте гидрогеологии и инженерной геологии (Адрес: 100041, г. Ташкент, ул. Олимлар, дом 64, Тел.: (+99871) 209-10-84, факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: [gidro\\_ilmkeng@mail.ru](mailto:gidro_ilmkeng@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института гидрогеологии и инженерной геологии (регистрационный номер 62). Адрес: 100041, г.Ташкент, ул. Олимлар, дом 64, Тел.: (+99871) 209-10-79, факс: (+99871) 209-10-84, e-mail: [gidro\\_ilmkeng@mail.ru](mailto:gidro_ilmkeng@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан 4 августа 2025 года (реестр Протокола рассылки № 11 от 4 августа 2025 года)

**А.А.Мавлонов**  
Председатель Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
доктор геолого-минералогических наук,  
старший научный сотрудник

**М.Р. Жураев**  
Учёный секретарь Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
доктор философии (PhD)  
по геолого-минералогическим наукам,  
старший научный сотрудник

**И.Х. Хабибуллаев**  
Председатель Научного семинара  
при Научном совете по  
присуждению учёных степеней,  
доктор технических наук,  
профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой практике проблема исследования процессов засоления и выщелачивания на орошенных и вновь орошаемых территориях рассматривается как условие формирования состава и свойств грунтов. Среди процессов соленакопления следует отметить обусловленные обменными реакциями в грунтах в результате взаимодействия кальциево-почвенного поглощающего комплекса с сульфатно-натриевыми растворами, а также эоловыми (пыльные бури и ветры) поступлениями солей на поверхность грунтов, почвы и формирования в их профиле солевых, гипсовых горизонтов. В этом аспекте решение проблемы засоления и выщелачивания грунтов является важным фактором стабильного социально-экономического развития страны в целом, и в частности – ее региона.

Многими ведущими научными центрами мира, особенно в странах со степными, полупустынными, пустынными территориями, осуществляются исследования влияния солей на инженерно-геологические свойства грунтов и их мелиоративное состояние. Особое внимание уделяется влиянию солей на физико-механические свойства грунтов, определению минерализации грунта, связанной с поступлением солей из минерализованных подземных вод по капиллярам, определению качественного и количественного состава отдельных компонентов потока растворенных веществ, которые неразрывно связаны с вытеснением элементов в грунтовой среде и все это, в свою очередь, позволяет разработать рекомендации по изучению формирования состава и свойств засоленных грунтов и их изменений при диффузионной выщелачивании.

В настоящее время полноценное использование Голодной степи в сельском хозяйстве поставлено на уровень задач государственной значимости. В связи с этим в республике особое внимание уделяется засолению грунтов – одному из главных генетических и мелиоративных их свойств на аридных территориях. В настоящее время засоление рассматривается как один из основных деградационных процессов, ограничивающих плодородие почво-грунтов засушливых территорий в разных странах мира, в том числе в Узбекистане, и были проведены масштабные исследования, которые позволили достичь определённых результатов, в частности, разработана методика количественной оценки засоленных грунтов, выявлены различные виды деградации грунтов как, интенсивное засоление, водная, ветровая эрозия и загрязнение агрохимикатами. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы для осуществления цели №30 намечено «Повышение плодородия почвы и защита ее от деградации»<sup>1</sup>. Исходя из этого, наиболее важным является изучение диффузионного выщелачивания засоленных грунтов для мелиоративного благополучия орошаемых земель Голодной степи и повсеместной защиты зданий и сооружений от негативных процессов.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-4801 от 11 августа 2020 г. «О неотложных мерах по эффективному использованию водных ресурсов и улучшению мелиоративного состояния земель в Джизакской и Сырдарьинской областях», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике – VIII «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

